

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фарғона “Мұрувват” НББУИУ
директори**



A.Турдибоев

**2022 йил июнь ойи учун имконияти чекланган болаларга
5 махал пархез таом тайёрлаш бўйича аутсорсинг хизмати**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фарғона -2022

Мундарижа:

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. СанПиН талаблари бўйича бир кунлик махсулотлар меъёри бўйича маълумот
4. СанПиН талаблари бўйича бир кунлик таомнома тўғрисида маълумот
5. СанПиН талаблари бўйича бир ойлик харажатлар тўғрисида маълумот
6. Бахолаш мезонлари бўйича маълумот

1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Имконияти чекланган болалар учун 5 махал пархез таом тайёрлаш бўйича аутсорсинг хизмати
- 1.2. Танлов қиймати : **192 000 000 сўм 2022 йил июнь ойи учун.**
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календарь иш кун.
- 1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фаргона “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчisi хисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Фаргона шаҳар Қаўқар қишлоқ кўчаси 9 А уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фаргона “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
-танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
-танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);
- Низом маблағи миқдори.

- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

- 3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
-мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидаги давлат буюртмачиси, агар мазкур

сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартираслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус аҳборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувохнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси.
3. Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига teng айланма маблағлари тўғрисида банк маълумотномаси.
4. Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
5. Корхонанинг ошхона ишчилари пархез таомлар тайёрлаш бўйича етарли малакага эга бўлиши.
6. Ишчи ходимлари “Covid 19” касаллигига қарши эмланган бўлиши шарт.
7. Давлат солиқ идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари.
8. Берилган таклифларда корхонанинг тўлик юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари рақамлари кўрсатилган бўлиши керак.
9. Давлат солиқ идораларидан қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома.
10. “Муруват” уйига хомийлар томонидан келтирилган озик-овқат маҳсулотларини ноль ставка бўйича қабул қилиш ва таом таёrlашга сарфлаш тўғрисида розилик хати.
11. Қисқартирилишга тушган “Муруват” уйининг ошхона ходимларни иш билан таъминлаб бериш бўйича кафолат хати.
12. Таклиф этаётган аутсорсинг хизмати калькуляция нархлари алоҳида таклиф хатларида кўрсатилиши ва тижорат таклифи билан биргаликда бўлиши лозим.
13. Ногиронлиги бўлган болалар учун тахминий бир ойлик наъмунавий таомнома режаси.
14. “Муруват” уйида тарбияланаётган болалар учун СанПиН талаблари асосида таом таёrlаб бериш бўйича кафолат хати.
15. Корхонанинг моддий техник базаси ва заҳира озик-овқат маҳсулотларини сақлаш омборхоналари тўғрисида маълумотнома.

**1. "Мурувват" уйида васийликка олингандар учун 1 күнлик озик-овқат махсулотлари
мөъёлари.(№0312-14 СанПин мөъёри бўйича хисобга олинган)**

| № | Озик овқат номи | Улчов бирлиги | Санпин бўйича миёр грамм |
|----|-----------------------|---------------|--------------------------|
| 1 | Нон | гр | 450 |
| 2 | Ун | гр | 40 |
| 3 | Картошка крахмали | гр | 5 |
| 4 | Ёрмалар | гр | 130 |
| 5 | Шакар | гр | 70 |
| 6 | Кондитер махсулотлари | гр | 30 |
| 7 | масло сливочное | гр | 50 |
| 8 | Усимлик еги | гр | 25 |
| 9 | Сут | гр | 300 |
| 10 | Катик | гр | 200 |
| 11 | Сметана | гр | 20 |
| 12 | Творог | гр | 50 |
| 13 | Пицколок | гр | 10 |
| 14 | Гушт | гр | 160 |
| 15 | Колбаса | гр | 20 |
| 16 | Тухум | дона | 1 |
| 17 | Балик гушти | гр | 35 |
| 18 | Картошка | гр | 400 |
| 19 | овощи, зелень | гр | 453 |
| 20 | фрукты свежие | гр | 130 |
| 21 | соки фруктовые | гр | 200 |
| 22 | Курук мева | гр | 15 |
| 23 | Чой | гр | 2 |
| 24 | Ош тузи | гр | 6 |
| 25 | Дрожжи | гр | 1 |
| 26 | Специи* | гр | 1 |
| 27 | Маргарин | гр | 10 |

**2. САНПИН ТАЛАБЛАРИ БҮЙИЧА БИР КУНЛИК ТАОМНОМА ТҮӨГРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

| № | Номи | Махсулотлар | Ўлчов бирлиги | Микдори |
|----|-------------|-------------------------|---------------|---------|
| 1 | Нонушта | Нон | гр | 100 |
| 2 | | Сут 2,5% | гр | 250 |
| 3 | | Сариёғ 82,5% | гр | 35 |
| 4 | | Шакар | гр | 40 |
| 5 | | Пшено | гр | 30 |
| 6 | | Тухум | дона | 1 |
| 1 | 2 нонушта | Нон | гр | 100 |
| 2 | | Шакар | гр | 15 |
| 3 | | Творожный масса (Сырок) | гр | 40 |
| 4 | | Печенье | гр | 30 |
| 5 | | Мева қоки | гр | 10 |
| 1 | Тушлик | Нон | гр | 150 |
| 2 | | Гуруч | гр | 70 |
| 3 | | Сметана | гр | 20 |
| 4 | | Мол гүшти | гр | 130 |
| 5 | | Ўсимлик ёғи | гр | 18 |
| 6 | | картошка | гр | 250 |
| 7 | | Пиёз | гр | 99 |
| 8 | | Сабзи | гр | 130 |
| 9 | | карам | гр | 40 |
| 10 | | Булгор калампирি | гр | 10 |
| 11 | | баклажон | гр | 30 |
| 12 | | помидор | гр | 20 |
| 13 | | бодринг | гр | 20 |
| 14 | | томат | гр | 2 |
| 15 | | туз | гр | 4 |
| 1 | Пешин | Сут 2,5% | гр | 50 |
| 2 | | Сариёғ 82,5% | гр | 15 |
| 3 | | Шакар | гр | 15 |
| 4 | | Ун 1 нав | гр | 40 |
| 5 | | Колбаса | гр | 20 |
| 6 | | Пишлок | гр | 10 |
| 7 | | Маргарин | гр | 10 |
| 8 | | Сок | гр | 200 |
| 9 | | Ўсимлик ёғи | гр | 2 |
| 10 | | Дрожжи | гр | 1 |
| 11 | | Майиз | гр | 5 |
| 1 | Кечки овқат | нон | гр | 100 |
| 2 | | Вермишель | гр | 30 |
| 3 | | Катик | гр | 200 |
| 4 | | Товук гүшти | гр | 33 |
| 5 | | Ўсимлик ёғи | гр | 5 |
| 6 | | картошка | гр | 150 |
| 7 | | пиез | гр | 50 |
| 8 | | сабзи | гр | 40 |
| 9 | | Булгор калампирি | гр | 10 |
| 10 | | чой | гр | 2 |
| 11 | | Томат | гр | 1 |

**3. САНПИН ТАЛАБЛАРИ БҮЙИЧА БИР ОЙЛИК ХАРАЖАТЛАР ТҮӨРИСИДА
МАЪЛУМОТ**

| № | Овқатланиш тартиби номи | Хар бир бола учун ўртача хисоб китобда (сўмда) | Ўртача бола сони | сумма | Июнь | |
|---|-------------------------|--|------------------|------------------|------|--------------------|
| | | | | | кун | Сумма |
| 1 | Нонушта | 4500 | 246 | 1 107 000 | 30 | 33 210 000 |
| 2 | 2 нонушта | 3200 | 246 | 787 200 | 30 | 23 616 000 |
| 3 | Тушлик | 10500 | 246 | 2 583 000 | 30 | 77 490 000 |
| 4 | Пешин | 3200 | 246 | 787 200 | 30 | 23 616 000 |
| 5 | Кечки овкат | 4500 | 246 | 1 107 000 | 30 | 33 210 000 |
| | Жами сумма | 25900 | | 6 371 400 | | 191 142 000 |

4. БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БҮЙИЧА МАЪЛУМОТ

| № | Малака талаблари | Бахолаш | Изоҳ |
|----------|---|----------------|--|
| 1. | Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига teng айланма маблағлари тўғрисида банк маълумотномаси | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 2. | Молиявий ахволи баркарорлиги, солик ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 3. | Ишчи ходимлари “Covid 19” касаллигига карши эмланган бўлиши шарт | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 4. | Давлат солик идораларига топширган охирги 1 йиллик хисоботлари нусхалари | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 5. | “Мурувват” уйига хомийлар томонидан келтирилган озик-овкат маҳсулотларини ноль ставка бўйича қабул қилиш ва таом таёrlашга сарфлаш тўғрисида розилик хати | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 6. | Қискартирилишга тушган “Мурувват” уйининг ошхона ходимларни иш билан таъминлаб бериш бўйича кафолат хати | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 7. | Таклиф этаётган аутсорсинг хизмати калькуляция нархлари алоҳида таклиф хатларида кўрсатилиши ва тижорат таклифи билан биргаликда бўлиши лозим | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 8. | Ногиронлиги бўлган болалар учун тахминий бир ойлик наъмунавий таомнома режаси. | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 9. | “Мурувват” уйида тарбияланаётган болалар учун СанПиН талаблари асосида таом таёrlаб бериш бўйича кафолат хати | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |
| 10. | Корхонанинг моддий техник базаси ва заҳира озик-овкат маҳсулотларини саклаш омборхоналари тўғрисида маълумотнома. | 10 балл | Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади |